

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 5-mart, chorshanba № 18 (15760)

Navqiron avlod so'zi

УМР БАҲОРИНИ ГУЛГА ТЎЛДИРСАМ, ДЕЙМАН!

Юртимиз баҳорининг қиёси бормикан?

*Тўрт фаслнинг тароватини туймоқ
Яратганининг назари тушган ўлкалар-
гагина насиб этади, дейишади. Қишли,
қировли кунлар ортида қолиб, олам
янгидан яшарди. Ён-атрофни ям-яшил
майсалар қоплаган, бойчечаклар бўй
кўрсатган, қуёш янада ёрқин нур
сочиб, куртаклар тўлишган, қушлар
чуғурлашиб, қанот қоқиб учаётгани
ўлкамизда кўклам келганидан дарак
бериб турибди.*

Ариқ бўйларида унган ялпизлардан онажонларимиз аллақачон кўк сомсалар тайёрлаган, дошқозонларда пишган сумалақдан тотинган боболаримиз, момоларимиз шукроналик билан дуога қўл очган лаҳзалар омонликдан, тинчликдан дарак бериб турибди. Энди баҳорий жўшқинлик, яратувчанлик табиатдан ҳар бир инсон жисмига, тафаккурига кўчган. Ёшлик, яшариш фаслининг бетакрор лаҳзалари биз, ёшларнинг ҳаётимизда, фикрларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳар кунгидан кўра ғайратлироқ бўлиб, кучга тўлгандекмиз, ҳаётга янгича назар билан боқиб, мақсадларимиз ҳам улкан марралар сари қаратилган.

Тенгдошларим орасида илм-фан, санъат, спорт соҳасида катта ютуқларга эришадиган йигит-қизлар Ўзбекистоннинг ҳақиқий фахри, ифтихоридир. Бундай натижалар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Мамлакатимизда биз, ёшларнинг иқболи, саодати йўлида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқдаки, бунга энг ривожланган мамлакатлар ёшлари ҳам ҳавас қилаётир. Мен ҳам юртимнинг юксак тараққиётида ўз ҳиссаси бўлишини истаган қалби қайноқ ёшлардан бириман.

Пойтахтимиздаги 160-мактабда инглиз, француз, рус тиллари ва иқтисодий билим асослари фанлари бошланғич синфларданок ўқитилар, мактабимиз шунга ихтисослашган эди. Ўқувчилик давримдан бошланган қизиқишларим жиддий мақсадга айланди. Хорижий тилларни билиш аниқ фанлар қатори халқаро тоифадаги мутахассислар учун асосий талаблардан ҳисобланади. Натижада ўз устимда ишлашга, қўшимча шуғулланишга тўғри келарди. Мактабни тугатгач, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейига ўқишга кирдим. Устозларимнинг, отамнинг кўмагида янада кўпроқ ўқиб, изландим, билимларимни ошириб боришга ҳаракат қилдим. Иқтисодиёт соҳасига қизиқишим бошқа қизиқишларимдан устун чиқди. Режаларимни аниқлаштириб, шу соҳани танладим. Қарангки, иқтисодий билим асослари фанига қизиқишимни кўрган устозим Мавлуда опа менга фан олимпиадасига қатнашиб кўришни тавсия этди. Аввал лицей миқёсида, кейин туман, шаҳар, ниҳоят, республика босқичида ҳам ғолиб бўлдим. 2012 йилги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касбхунар таълими маркази томонидан ўтказилган мазкур фан олимпиадасининг ғолиби бўлиш менга яна бир имконни берди. Яъни олимпиада ғолиби сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институтининг хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Ҳозир институтнинг 2-курс талабасиман. Айни пайтда Япония иқтисодиёти соҳасида таҳсил олаётганим учун инглиз ва япон тилларини пухта ўрганмоқдаман. Институтимизга Япониядан тез-тез меҳмонлар келиб туради, бизга дарс беради. Японияда нашр қилинган илмий-амалий нашрлар, газета ва журналлардан иборат кутубхона, Сукуба университетининг маркази талабалар ихтиёрида. Кунчиқар юрт вакиллари бизга Ўзбекистон — Япония муносабатларининг илғор жиҳатларини амалий мисоллар билан тушунтириб беради. Улар мамлакатимизнинг қудратини ёшларнинг салоҳияти белгилашини жуда кўп таъкидлашади. Ўз юртимизда, барча шароитларга эга таълим даргоҳида таҳсил олаётганимдан мамнунман. Келгусидаги энг катта мақсадим, Ватанимнинг дунё миқёсидаги нуфузини янада орттиришга ҳисса қўшсам, дейман.

Нозима ЎКТАМОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
институтининг талабаси



Кўклам нафраси

Hisobot-saylov konferensiyalari

ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ, МУАММОЛАР ЭСА МУҲОКАМАДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳар икки ярим йилда ўтказиладиган ҳисобот-сайлов конференциялари яқунланди.

Ўтган йили фарғоналик ёшларга «Ёшлар маданият ва спорт маркази» ва «От-чопар» ўйингоҳи қуриб фойдаланишга топширилди. Вилоят маркази ва туман, шаҳарларда «Ёшлар марказ»лари ҳамда спорт майдончаларининг қуриб берилган ётгани янада қувонарлидир. Шунингдек, Фарғона туманидаги «От-чопар» ўйингоҳида 1,5 гектарлик «Ёшлар эко боғи», Қувасой шаҳар марказида бир гектарлик «Камолот» боғи, Сўх туманида «Камолот» эко боғи ташкил этилди.

Булар Юсуфжон қизик Шарқаржонов номидаги Фарғона

вилоят драма ва комедия театрида бўлиб ўтган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференциясида алоҳида тилга олинди.

Конференцияда эътироф этилишича, ўтган икки ярим йил ичида вилоятда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Қонун ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати», «Концепция — жа-

мият тараққиётининг асоси», «Ёш сиёсатчи» каби лойиҳалар амалга оширилди, «Сиз қонунни биласизми?», «Тафаккур синовлари», «Солиқ билимдонлари», «Конституциямизни ўрганамиз» каби кўрик-танловлар ўтказилди. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, ўз жониغا қасд қилиш, чет элга чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан соҳа мутахассислари иштирокида очик мулоқот ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Hisobot-saylov konferensiyalari

ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ, МУАММОЛАР ЭСА МУҲОКАМАДА

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш соҳасида ҳисобот даврида 1200 мартаба меҳнат ярмаркалари, ёшларни ўз бизнес режаларини тузишига кўмаклашиш мақсадида «Бизнес тренинг» ва амалий семинарлар ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олишга амалий ёрдам сўраб мурожаат этган 1850 нафар ёшдан 810 нафарига имтиёзли кредит олиб беришга кўмаклашилди. Жумладан, Қува туманидан



Шаҳбоз Юсупов иссиқхона фаолиятини кенгайтириш учун Фарғона шаҳридан Гулхумор Мухитдинова чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 15 миллион сўмдан кредит маблағларини олиб яқка тартибдаги тадбиркор си-

фатида фаолият олиб бормоқда.

Ҳаракат муассислигида вилоят бўйича 16 та «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази бўлиб, уларда 55 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида 18 минг нафардан

ортиқ ёш тўқувчилик, тикувчилик, компьютер саводхонлиги, ҳунармандчилик, хорижий тиллар, уй ҳамширалиги каби тўгаракларга жалб этилди. Иқтидорли ёшлардан Фарғона политехника институти талабаси Аброр Отабоев Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори ҳамда «Парламентаризм билимдони» онлайн танлови ғолиби бўлди. Фарғона санъат коллежи ўқувчиларидан «Ниҳол» чолғу жамоаси «Ниҳол» мукофотини қўлга киритди. Марғилон шаҳар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Шермухаммад Деҳқонов «Онажоним — табиат» ҳамда «Ўз келажигимизни ўзимиз қурагимиз»

мавзуидаги республика иншолар танловида ғолиб бўлди. Шунини алоҳида айтиш жоизки, ўтган икки ярим йил давомида 150 нафар иқтидорли ёшнинг ижод намуналарини чоп этишга кўмаклашилди.

Ҳаракат тизимларида қўлга киритилган ютуқлар ва муваффақиятлар билан бирга, камчилик ва муаммолар ҳамда келгусида амалга ошириш лозим бўлган вазифалар ҳам бир талай. Бу ҳақда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси Шерзод Раҳимов алоҳида тўхталиб ўтди. У муаммоларни бартараф этиш, ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш бўйича ўз таклифларини билдирди. Конференция давоми-

да сўзга чиққан делегатлар «Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгашининг ўтган икки ярим йиллик фаолиятига қониқарли баҳо беришди. Сўнг навбатдаги муддат учун назорат-тафтиш комиссияси ҳамда кенгаш аъзолари сайланди.

Делегатлар шу кунга қадар вилоят ёшларига етакчилик қилиб келаётган Шерзод Раҳимов номзодини қўллаб-қувватлаб, Ҳаракатнинг Фарғона вилояти кенгаши раиси этиб сайланди. Раис ўринбосари лавозимида ишлаган Шерзод Полвонов ҳам ўз ишига муносиб кўрилди. «Камалак» болалар ташкилоти раиси вазифага Ойбек Мамадалиев сайланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Шухрат Фаниев иштирок этди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Дилнавоз
КЎЛДОШЕВА.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдаги конференцияси ёш ижодкорларнинг ижодий кўргазмаси билан бошланди.

САМАРАСИЗ ТАДБИРЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

Дастлаб «Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши ва назорат-тафтиш комиссиясининг ўтган давр фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда қайд этилишича, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари тизимидаги 492 та бошланғич ташкилотга уч юз минг нафарга яқин «Камолот» аъзоси бирлашган. Ҳаракатнинг вилоят кенгаши мамлакатимизда олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга, айниқса, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган йигит-қизларга тушунтириш, уларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқда. Шунингдек, ёшларнинг турли муаммоларини ечишга кўмаклашиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдодларини юзага чиқаришга қаратилган йигирмадан ортиқ йўналишларда кўрик-танлов, семинар ва спорт мусобақаларини ўтказди.

Ҳисобот конференциясида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати амалга ошираётган ишлар, эришилган натижалар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.

«Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши раислигига тавсия этилган Лазизбек Аҳмедов номзоди делегатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

— Бундай конференцияда илк бор иштирок этишим, — дейди делегат, ёш ҳунарманд Мафтуна Эргашева. — Конференцияда Мирзаобод тумани ёшлари вакили сифатида уларнинг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини ҳам етказдим. Таассуротларим бир олам. Давлатимиз раҳбарлигида юртимиздаги ёш ижодкорларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда миннатдоримиз. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори эса тарихий ҳужжат бўлиб, биз, ёшларга янада кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Шу билан бирга, масъулият ҳам юклайди. Чунки яратилаётган шароит ва имкониятларга ўз навбатида муносиб жавоб қайтаришимиз шарт.

Йиғилишда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Бир гуруҳ «Камолот» фаолларига Сирдарё вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари топширилди.

Элёр ЖЎРАЕВ,
«Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши
етакчи мутахассиси

ЁШЛАРНИ УЧРАШТИРГАН МУЛОҚОТЛАР

Жиззах вилоят ҳокимлигида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг навбатдаги конференцияси қизгин муҳокамаларга бой бўлди. Туманлардан келган энг фаол ёшлар ўзларига етакчи сайлаш ҳамда турли таклифларни айтиш учун йиғилишди. Ушбу олтинчи ҳисобот-сайлов конференциясида ёшлар ташкилотининг ўтган 2,5 йилдаги фаолияти бўйича «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Азамат Дархоновнинг ҳисоботи тингланди. Маърузада таъкидланганидек, бугунги кунда «Камолот»нинг 802 та бошланғич ташкилотига жипслашган 189843 нафар ёш вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этяпти.

Ўтган йилларда жиззахлик ёшлар мамлакатимиз миқёсида ўтказилган турли танлов, лойиҳаларда муносиб иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаган. Айниқса, 2011 йилда «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларининг республика босқичида вилоятдан 16 нафар ёш ўз бизнес лойиҳаси билан иштирок этди. Ўқув-семинар тарзида ташкил этилган бир ҳафталик семинарда беш нафар жиззахлик ёш — Самандар Пардабоев, Рустам Юнусов, Марҳабо Азизова, Хайрулла Абдусатторов ва Азиза Шомирзаева имтиёзли кредит олиш имкониятини қўлга киритишди. Шунингдек, 2012 йилда Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгаши лойиҳаларида фаол иштирок этган 39 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тижорат банклари томонидан 126 миллион 746 минг сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Банкларнинг ушбу имтиёзли кредитлари ҳисобидан Дилноза Эгамбердиева, Назар Эгамов, Ахтам Мама солиев, Темур Холбўтаев ва бошқа кўплаб ёшлар тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйди ва

янги иш ўринларини яратишди. Ҳисобот маърузада маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтилди. Жумладан, «Уч авлод учрашуви», «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Виждонли сотувчи», «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин», «Қулликка рози бўлманг» мавзуларида саккиз юздан ортиқ туркум тадбирлар ташкил этилиб, унда 160 минг нафардан ортиқ йигит-қиз қамраб олинди. Дарс вақтида бозорларда савдо-сотик билан шуғулланаётган, автомойкаларда ва кўчаларда мақсадсиз юрган мактаб ва коллеж ўқувчиларини дарсга қайтариш мақсадида «Ўқувчи», «Давомат» рейдлари ташкил этилган ва натижада 173 нафар ёшни дарсларга қайтаришга эришилган.

Бундан ташқари, маърузада иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни жисмоний жиҳатдан камол топтириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби йўналишларда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Конференцияда вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ра-

иси ўринбосари Сарвар Ашуров сўзга чиқиб, Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда қарор асосида ишлаб чиқилган Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини конференция иштирокчиларига гапириб берди.

Делегатлар иштирокидаги музокаралар қизгин тус олди. Вилоят фермерлар кенгашининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Зилола Ўролова, Жиззах туман иқтисодиёт коллежи бошланғич ташкилот фаоли Асал Ширинова, аскар Акбар Аҳмедов ва бошқалар маъруза юзасидан бўлган музокараларда қатнашишди ва «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг фаолиятини қониқарли деб топишди.

Кун тартибидеги барча масалалар кўриб чиқилгач, делегатлар бир овоздан амалдаги раис Азамат Дархоновни қайта сайлашди. Шунингдек, вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ориф Шукуров ҳам делегатлар томонидан қайта сайланди. «Камалак» болалар ташкилоти раислигига эса Фахриддин Қобилов янгидан сайланди.

Конференция якунида вилоят ҳокими, «Камолот» ЁИХ Жиззах вилояти Васийлик кенгашининг раиси Сайфиддин Исмоилов билан делегатларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда делегатлар турли савол ва таклифлар билан иштирок этиб, вилоят ҳокимининг ушбу саволларга жавобларини эшитишди.

Учрашув сўнггида бир гуруҳ фаол ёшларга вилоят ҳокимининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Бу сафар улар қўлга тушишди. Ахир, кўза кундамас, кунда синади-да. 2013 йил 26 апрелида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани судида Тоҳир Деҳқонбоев ва унинг жияни Файзулла Ваҳобовнинг жиноий иши юзасидан ҳукм чиқарилди. Айни кучга тўлган, элу юртга нафи тегадиган ёшдаги бу йигитларнинг айби нима дейсизми?

Гап шундаки, 1971 йилда Тошкент вилоятида туғилган, тўрт нафар фарзанднинг отаси Т.Деҳқонбоев икки бора судланган. Давлатимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган одилона сиёсати туфайли унга нисбатан амнистия акти қўлланилган. Аммо унинг барибир «кўзи очилмади». Тўғри, бир муддат фермер хўжалигида ишлаб юрди. Аммо бел оғритмай пул топиш, мол-дунё дарди уни тер тўкиб ишлашга қўймади.

Кунлардан бир куни у келиб чиқиши Тожикистондан бўлган «Бобосалим» исмли шахс билан танишиб қолди. Шундан сўнг унинг миясида турли ёмон ниятлар куртак ота бошлади. Аниқ тўхтама келгач, яъни 2012 йилнинг апрель ойида Т.Деҳқонбоев «Бобосалим»ни излаб қолди. Телефондаги гузруб соғлик-эсонлик сўрашишдан бошланиб, бутунлай бошқа ўзанга бурилиб кетди. Т.Деҳқонбоев «ошна»сига Тожикистонда гиёҳванд моддасини топиш осонлиги, бунинг ортидан мўмай даромадга эга бўлиб, кайфу сафода яшаш мумкинлигини айтди. Ҳатто уни ўзининг «пухта» жиноий режаси билан ҳам қисман таништири-

ди. Ўшдатмасдан учратмас, деганларидек, «Бобосалим» ҳам ҳаромдан ҳазар қилмайдиганлар хилидан экан. Шартта бу таклифга кўниб, «дўсти»ни Бекобод тумани чегарасига чақирди.

Т.Деҳқонбоев белгиланган жойга кечикмай, интизор қилмай етиб борди. Чегара панжараси ортида эса, кўзи олазарак «Бобосалим» турар, уни ўзига имларди. «Бобосалим» гиёҳванд моддани текшириб, мазасини тотиб кўриш мақсадида «бир доза» нашани тошга боғлаб «меҳмон»га улоқтирди. Т.Деҳқонбоев чақонлик билан захри қотилни илиб олиб, тотиб кўрди. Мол синовдан ўтди. Шундан сўнг улар тезда хайр-хўшлашишди. Ахир, эҳтиёт бўлган яхши, чегарада изғиб юришганини биров кўрмагани маъқул.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, улар кейинги «фаолиятлари»га доир режаларини телефонда яна бир қур «ўртоқлашиб» олишди. Режага кўра, Т.Деҳқонбоев «Бобосалим»дан гиёҳванд моддаларни қабул қилиб, уларни контрабанда йўли билан йўналтириши ва Қозоғистон Республикаси чегарасига туташ ерларда қолдириб кетиши керак

эди. Заҳри қотилни у ердан «Бобосалим»нинг қозоғистонлик танишлари олиб кетарди. Шу тарзда Т.Деҳқонбоев Тожикистон Республикаси фуқароси «Бобосалим» ва Қозоғистон Республикасида истиқомат қилувчи «Нурлан» билан жиноий тил бириктирди, Тожикистон Республикасидан давлатимиз ҳудудлари оша Қозоғистон Республикасига етказиш бўйича гиёҳванд моддалар контрабандаси режаси тузилди.

Т.Деҳқонбоевга ушбу хизматлари эвазига яхшигина мукофот ваъда қилинган эди. Пулга муҳтож бўлиб юрган Т.Деҳқонбоевнинг кўзларини нафс пардаси қоплади, қабиҳ ниятлари авж олди. 2012 йилнинг июль ойида «Бобосалим» амалиётга киришди. У Т.Деҳқонбоевга кўнгирак қилиб, Бекобод туманида жойлашган «Теракзор» чойхонаси ёнидаги бекат орқасидаги дарахт тагидан 5 килограмми гиёҳванд моддани олиб кетиши мумкинлиги хабарини етказди. Иш ҳамирдан қил суғиргандек битди. Т.Деҳқонбоев 5500 АҚШ долларига баҳоланган «товар»ни қабул қилиб, уйига олиб келди ва майда қисмларга тақсимлаб, таниш бангиларга пуллай бошлади. 2012 йилнинг август ойида шу каби жиноят «операция»си яна бир бор муваффақиятли амалга оширилди.

Иш қолипидан осон ва бехатар кўчиб, ҳаром даромадга эга бўлганларнинг нафси ўпқонга айланди. «Фаолият кўлами»ни янада кенгайти-

риш илинжида янги шериклар топиш, янги режани амалга оширишга киришишди. Бу сафар «Бобосалим» 5 килограмм наша ва 1 килограмм героин ҳақида сўз очди. Т.Деҳқонбоевнинг мўлжалига кўра, бу галги «ўлжа» каттароқ, даромад эса кўпроқ бўлиши керак эди. Келажакда «товар» янада кўпайишига умид қилган Т.Деҳқонбоев ишончли ёрдамчига эҳтиёж сездди. Дастлаб у бу ишга 1987 йилда туғилган, ҳали уйланмаган жияни Файзулла Ваҳобовни жалб қилди. «Жиян» ҳам илгари судланганлардан эмасми, ишга тезда кириша қолди. Т.Деҳқонбоев уни ёнига олиб, «орттирган бой тажрибаси»ни миридан сиригача ўргатди.

«Ҳамкорлар» шахсий «Lacetti» автомашинасида Бўка туманидаги Бўстон аҳоли пункти сари йўл олишди. Келишилганидек, Бўстон канали қирғоғидаги тиканлар орасидан улар елим халтага ўралган гиёҳванд моддаларни топишди ва ушбу халтани автомашинанинг олд қисмидаги гиламча остига жойлаштиришди. Ўлжани қўлга киритиб, мўмай фойдани чамалаган тоға-хиянлар машинани манзил томон елдиришди.

Аммо уларнинг хом хаёллари йўлда — милиция блокпостига яқинлашгандаёқ пардай тўзиди. Нимадандир гумонсираран хуқуқ-тартибот органлари вакиллари уларни тўхта-тиб, гувоҳлар иштирокида машинани кўздан кечиришди. Ҳаммаси кундек равшан бўлди. Гиёҳванд моддалар

ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Суд кимёвий экспертизаси белгиланиши билан рад этиб бўлмайдиган далиллар йиғилди. Ҳамтовоқларнинг айбини тан олишдан бошқа иложи йўқ эди. Суд қарорига кўра, давлат рақами 10В 808СА бўлган «Lacetti» автомашинаси, учта уяли телефон аппарати жиноят қуроли деб топилиб, давлат ҳисобига мусодара қилинди. Ўрта Чирчиқ тумани судининг қарорига мувофиқ, Тоҳир Деҳқонбоев амалга оширган жиноятлари учун 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Уйланиш, оила қуриш ва ҳаётдан завқланиш ёшидаги Файзулла Ваҳобов ҳам умрининг гуллаган даври — 15 йилини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. 15 йилга белгиланган жазо муддати жиноятчиларнинг тўғри хулоса чиқариб олишлари учун етарли муҳлатдир. Аммо ҳаром иш билан шуғулланиб, босар-тусарини билмай қолган бу кимсаларнинг кирдикоридан, юриш-туришидан наҳотки кўни-кўшни, маҳалла-кўй беҳабар қолган бўлса? Ҳатто ўз уйида захри қотилни майдалаб пуллаб юришсаю, уларнинг хонадонига кимлар келиб-кетаётгани наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмаса? Бундай эҳтиросизлик, лоқайдлик эфир-оқибат жондан азиз, бегубор фарзандларимизнинг ҳам умрига зомин бўлиши мумкин-ку? Шундай экан, оқ ажал исканжасидан ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини, оилалар тинчлигини асрайлик. Токи кейин кеч қолиб, пушаймонлик ўтида қовурилганнинг асло фойдаси йўқ.

uz24.uz сайтидан олинди.



■ «Kamolot» ko'z'gusi ■

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Кўкдам далалар ва боғларга кўрк ва фусунгина эмас, дилларга яшариш кайфиятини ҳам олиб келади. Ҳар биримиз баҳор айёмини уйимиз, ҳовлимиз, кўчамиз, таълим даргоҳимиз ёки ишхонамизни янада озода, саришта тутган ҳолда кутиб олишни хоҳлаймиз. Бу одат миллий қадриятимиз — ҳашар тимсолида қон-қонимизга сингган.

«Камолот»чи ёшлар ҳам бу эзгу анъанага амал қилишади. Бунга яқинда Ҳаркатнинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан уюштирилган ҳашарда яна бир бор гувоҳ бўлдик. Тенгдошларимиз Сергели туманидаги «Кўшқўрғон» маҳалласида, Миробод туманидаги «Кўйлик ота», «Оқ уй», «Ёпиғлик ота», Юнусобод туманидаги «Қанлиғ ота», «Оқтепа» қабристонларида тозалаш, ободонлаштириш ишларини амалга оширишди. 1, 2, 3 март кунлари ўтказилган ҳашарда йўлақлар тозаланиб, қиқиндилар олиб чиқиб ташланди.

Азиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2013» танловини эълон қилади

Ҳурматли ҳамкасблар!
Ўтган 2013 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довол ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди. Тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожини, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиозашттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова



қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим. «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танлови голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2013» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

3-қават, 30-, 35-хоналар

Телефонлар: 244-64-61;
244-37-87.

www.journalist.uz

Мансур Машарипов: «КАМОЛОТ»ДА ОРТИҚЧА ОДАМ БЎЛМАЙДИ»



— Хуш келибсиз, Мансур ака. Сиз Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Урганч давлат университети ҳамда Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тасмоллагансиз. Бироз вақт Урганч давлат университетига ишлагиниз. Кейин Хоразм Маъьун академиясида фаолият юритдингиз. Ҳозир эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида сиз. Бундан чиқди, сизни кўпроқ жамоатчилик ишлари ўзига жалб қилди, шундайми?

— «Камолот» менинг қонимда бор! Мактабни тасмоллаган, Олий бизнес мактабда ўқидим. Шу пайтнинг ўзида туман сардорлар кенгашида фаолият олиб борганман. Урганч давлат университетига тахсил олаётганда гуруҳ ва факультет етакчиси бўлганман. Борган сари ёшлар ташкилотидеги ҳаёт мени ўзига жалб этаверди. Ҳатто университетда дарс берганимда кўпчилик мени «Камолот»чи деб қабул қиларди. Албатта, вилоят ёшларнинг етакчиси сифатида зиммаларда нечоғли масъулиятли вазифа борлигини ҳар дамда ҳис қиламан. «Камолот»нинг мақсади — ёшларни Ватан раванга йўлида бирлаштириш. Айтишга осон гап. Аслида бу ниҳоятда мураккаб вазифа.

— Шу йил 6 февралда Президентимиз «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолаган. Бу ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган биринчи Давлат дастури эмас. 2012 ва 2013 йилларда ҳам шундай ҳужжатлар қабул қилинганди.

— Аввало, бир жиҳатга алоҳида ургу беришни хоҳлардим: ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшма чора-тадбирлар тўғрисидаги ва йилги Давлат дастури биринчи марта Президент қарорига мувофиқ тасдиқланди. Яъни, мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи ёшлар сиёсати ижросига қаратилган давлат ҳақимияти даражасидаги ҳужжатни тасдиқлаб берди. Бу ёшлар масаласи давлатимиз учун нечоғли принципиал аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Умуман олганда эса, юртимизда ҳам давлат раҳбари, ҳам ҳукумат томонидан ёшларга юксак эътибор қаратилиши янгилик эмас. Буни барчамиз биламиз ва қадрлаймиз. Эътибор берсангиз, янги дастурдаги 28 та банд бевосита «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига тегишли. Демак, бугун давлат Ҳаракатга ишоняпти. Боз устига, дастурга киритилган ҳеч бир лойиҳа, чора-тадбир ҳужжатга тасодифан тушиб қолгани йўқ. Улар биз, ёшларнинг тақлифи, фикр ва истақлари асосида, бординги, чекка туману қишлоқларда истиқомат қилаётган минглаб ўғил-қизларнинг манфаатларидан келиб чиқиб шакллантирилди. Қабул қилинаётган махсус дастурлар ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари билан жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириш, ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу йилги

қаратилган биринчи Давлат дастури эмас. 2012 ва 2013 йилларда ҳам шундай ҳужжатлар қабул қилинганди.

— Аввало, бир жиҳатга алоҳида ургу беришни хоҳлардим: ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшма чора-тадбирлар тўғрисидаги ва йилги Давлат дастури биринчи марта Президент қарорига мувофиқ тасдиқланди. Яъни, мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи ёшлар сиёсати ижросига қаратилган давлат ҳақимияти даражасидаги ҳужжатни тасдиқлаб берди. Бу ёшлар масаласи давлатимиз учун нечоғли принципиал аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Умуман олганда эса, юртимизда ҳам давлат раҳбари, ҳам ҳукумат томонидан ёшларга юксак эътибор қаратилиши янгилик эмас. Буни барчамиз биламиз ва қадрлаймиз. Эътибор берсангиз, янги дастурдаги 28 та банд бевосита «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига тегишли. Демак, бугун давлат Ҳаракатга ишоняпти. Боз устига, дастурга киритилган ҳеч бир лойиҳа, чора-тадбир ҳужжатга тасодифан тушиб қолгани йўқ. Улар биз, ёшларнинг тақлифи, фикр ва истақлари асосида, бординги, чекка туману қишлоқларда истиқомат қилаётган минглаб ўғил-қизларнинг манфаатларидан келиб чиқиб шакллантирилди. Қабул қилинаётган махсус дастурлар ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари билан жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириш, ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу йилги

Хоразм вилоятда «Камолот» уйлари қачон қурилади? Урганчда «Ёшлар кўли» ишга тушадими? Нега «Камолот» етакчилари ўз муаммоларини мустақил ҳал этишлари керак? Иккита қарама-қарши қутбни бирлаштириш мумкинми ва ёшлар ташкилоти ички туризмни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшяпти? Шу ва бошқа саволларга «Turkiston» савол беради» лойиҳасининг навбатдаги меҳмони «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов жавоб беради.

Давлат дастури асосида Хоразм вилояти кенгаши ўз чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

— Яқинда «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Делегатлар бир овоздан сизнинг номзодингизни маъқуллашди. Шундай натижани кутганмидингиз?

— Кутгандим. Чунки ўтган йиллар давомидаги фаолиятимда вилоятда кўлаб ёшлар, етакчилар билан учрашганман. Турли масалаларни биргаликда ҳал қилишга, ўзаро фикр алмашишга тўғри келган. Конференцияда мана шу ёшлар делегат сифатида қатнашиб, менга ишонч билдиришди.

— Ҳозир «Камолот» ЁИХ тизимида республика бўйича 15 мингдан зиёд бошланғич ташкилот фаолият кўрсатади. Улар орасида намуналилари бор. Хусусан, Урганч давлат университети БТ етакчиси Бекзод Абдиримов ўтган йили республика етакчилар форумида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасидаги бошланғич ташкилотлар ҳам фаол. Лекин, умуман олганда, Ҳаракатнинг кўйи бўғинларида аҳвол қониқарли эмас. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Вилоятимизда 719 та бошланғич ташкилот мавжуд. Етакчи бўлиш — кўпчиликнинг иши учун масъулиятни ўз бўйинига олдим, деган гап. Етакчи сифатида сайланаётган ҳар бир ёш бунни яхши кўриши керак. Базми етакчилар олдинга нуқул муаммосини кўтариб келади. Ечимини айтмайди, бирорта тақлиф бермайди, фақат куруқдан-куруқ муаммо, шикоят. Муаммо ҳамма жойда ва ҳаммамизда бор. Уни бартараф этишга салоҳияти бўлмаса, унда етакчининг етакчилиги қандай қолади?! Ахир, биз етакчининг шунинг учун ҳам сайлаймиз. У муаммоларни ҳал этишга, масъулиятни зиммасига олишга тайёр бўлиши керак. Эпламаса, кенгашга чиқсин, ҳисобот-сайлов конференцияларида масаласини дадил олиб чиқсин, лекин тақлифини ҳам бера олсин-да! Бекзод ҳақида айтдингиз. Бу йилги қандай қилиб ўзини намоян этди? Унда мактаб бўлган. Урганч давлат университетининг бошланғич ташкилотидеги етакчиларнинг тарбияловчи ўзига хос тизим яратилгани учун ҳам, бу ерда бир-бирдан кучли етакчилар етишиб чиқяпти. Мен ҳам ўшандай муҳитда тобланган-

ман. Вақти келса, ўқитувчи бўлишимга қарамай, тадбирларда бошловчилик қилардим. Тўғри, тизим ҳамма бошланғич ташкилотларда йўлга қўйилган деёлмаймиз. Бу масала яна етакчига бориб тақалади. Ишонч билан айтман, етакчи кучли бўлса, муаммолар ҳам барҳам топади.

— Шу ўринда аксарият етакчилар учун анчайин муаммоли вазият ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Айрим ташкилот, муассаса ёки корхоналарда раҳбарият томонидан бошланғич ташкилотга етарли эътибор қаратилмайди, «Камолот»нинг ўрни сезилмайди. Бунга муносабатингиз қандай?

— Бугунги ёш етакчи эртага раҳбар, шундай эмасми? Етакчи жамоада ортиқча одам эмас. Нега вилоят ҳокимияти «Камолот»ни кўлаб-қувватляпти? Чунки ҳокимият ёшлар масаласида бизларга таянади, бирор муаммо чиқса, мактаб ёки коллеж директорларини йўлмайди, балки мендан сўрашади. Негаки, биз ёшлар ташкилоти сифатида ўз ўрнимизни кўрсата олдик. Бугун «Камолот» билан вилоятда ҳамма ташкилот ишлайди. Бу ҳам катта натижа. Уйлайманки, раҳбар салоҳиятли бўлса, ҳеч қачон «Камолот»га беписанд қарамайди. Чунки бу ёшларга бера-фарқ бўлиш билан баробар. Урганч давлат университетининг ректори ҳаммиса талабалар орасида, «Камолот»чиларга ўзига ишонгандек ишонлади. Шунинг учун ҳам УрДУдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти намуналарига сафига чиққан. Нега бу ишни туманларда қилиб бўлмайди? Коллежда ўқувчилар билан боғлиқ муаммо кичими, етакчи туман бошқармасига борсин, муаммони маълум қилсин ва бартараф этиш учун курашсин. Мана буниси энди етакчининг салоҳияти билан боғлиқ масала.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини ҳамда моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича 2014 йилда кенгаш томонидан қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилган?

— Бу масала Давлат дастурига киритилган. Бошланғич ташкилотнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, мустаҳкамлаш босқичма-босқич амалга ошириладиган иш. Табиийки, ҳозир биз бирдангина 719 та бошланғич ташкилот учун бу масалани ҳал қилиб беролмаймиз. Лекин ҳар йили ўн-ўн бештадан бошланғич ташкилот танлов асосида рабатлантириляпти.

— Ўтган йили Урганч шаҳ-

рида «Ёшлар кўли» дам олиш маскани барпо этилди. Аҳамиятисини, «Ёшлар кўли» Ҳаракатининг вилоят кенгаши тасарруфига берилди. Шу муносабат билан Урганчдан Шерзод Каримов савол йўллаган: «Ёшлар кўли» қачон ўз фаолиятини тўлиқ бошлайди ва «Менинг бизнес гоём» танловида иштрок этиб, катмаран олиб шу кўлда ўз бизнесимни йўлга қўйсам бўладими?» Иккинчи савол Урганч давлат университети педагогика факультети талабаси Нилуфар Жабборовадан келган: «Ёшлар кўли»даги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари тугатилган кейин у ерда қандай тадбир ва лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган?

— «Ёшлар кўли» апрель ойида ишга туширилди. Унинг асосий майдони кўлдан иборат бўлгани боис, катмаран раҳбар дам олувчиларга хизмат кўрсатади, албатта. Бу бўйича тадбиркорлар ўртасида тендер эълон қилинган. Шерзод ҳам кенгашга мурожаат қилиши мумкин. Иккинчи саволга келсак, ўтган йили «Ёшлар кўли» дам олиш маскани ҳудудида биринчи тадбиримиз бўлиб ўтди. Бу ерда «Ёшлар — чекишга қарши!» акциясини ўтказдик.

— «Ёшлар кўли»нинг ўзи ҳам чекишдан холи ҳудуд, деб эълон қилинса, яхши бўларди.

— Тўғри тақлиф бердингиз. Бу ҳақда уйлаб кўраимиз.

— Ҳисобот-сайлов конференциясидаги маърузангизда 2013 йилда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида 2909 нафар талаба ва уюшмаган ёш жалб қилиниб, улар шахар ва туманларда замонавий объектларнинг қурилиши, гишт заводлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат қилишгани тўғрисида маълумот бергансиз. Лойиҳада қатнашган уюшмаган ёшлар ичиде доимий ишга жойлашганлар ҳам борми?

— Аслида лойиҳа орқали ёшларга мавсумий иш тақлиф қилинади. Ўтган йили «Бунёдкор» меҳнат ҳаракатига қўшилган уюшмаган ёшларнинг аксариятини чет давлатларда ишлаб кеталаётган йилгилар ташкил қилган эди. Улар вақтинчалик иш билан таъминланган бўлса-да, аммо ўз юртида меҳнат қилиб, рўзгор тебратилиш имкони борлигини кўришди. Асосий натижаси шу, деб биламан. Бир-икки кун аввал, олдинга бир йилгит келди. Чин етим, меҳрибонлик уйда тарбияланган. Ҳозир оилали, фарзанди бор. У ҳам иш излаб

хорижга чиққан экан. Лекин бегона юртларда минг азоблар чекиб, яна Ватанига қайтган. Хуллас, у менга оиласидан узоқлашгиси йўқлигини, тадбиркорлик билан шугулланимоқчи эканини ва кредит олишида ёрдам беришимни сўраб мурожаат қилди. Билсам, ўзига ўхшаган етти-саккизта дўсти бор экан. Улар биргаликда, қурилиш бригадасини ташкил қилишлари мумкин. Улар жорий йилда Давлат дастури асосида вилоятимизда қурилиши бошланадиган «Камолот» уйлари билан барпо этишда қатнашсалар, ажаб эмас. Уйлайманки, «Бунёдкор» меҳнат ҳаракатида ишлагандан кейин бу ёшлар ўз йўлини топиб кетади.

— Ички ишлар органларида профилактик назоратда турувчи вояга етмаганларни қандай лойиҳаларга жалб этишни тақлиф қилган бўлардингиз? («Камолот» ЁИХ Чортоқ тумани кенгаши раиси Фарҳод Мадраҳимов).

— Битта ниҳолни эхсак, уни албатта, парваришlash керак. Профилактик ҳисобига тушган болаларни мен парваришланмай қолган ниҳолга ўхшатаман. Демак, ота-она ўз яигарбандининг тарбиясига, тақдирига бера-фарқ қараган. Жиноятга кўл биринчи шароит яратган. Аслида бу болаларнинг қалби беғубор. Билсам, жиноят қилмасдим, деб пушаймон қилмади. Болага тўғри йўлни ким кўрсатиши керак? Ота-она! Оила, маҳалла, мактаб, жамоат ташкилотлари — ҳаммамиз шу ишга масъулмиз. «Камолот» етакчилари, туман, шахар раислари профилактик ҳисобда турган болаларнинг уйига кириб борсин, оилавий шароитини, тарбия муҳитини ўргансин. Бола ўзини сира бегона ҳис қилмаслиги керак: на жамиятда, на тенгдошлари орасида. Қоқилиб тушадими, қўлидан ушлаб турғизайлик. Қизиқишга қараб, бу ёшларни тўғрақларга жалб этиш мумкин. Шунда бекорчиликка вақт бўлмайди. Маҳаллаларда спорт тўғрақларини ташкил қилишни ҳам тақлиф қиламан.

— Хоразмда жазони ўташ жойларидан қайтган ёшлар билан қандай ишлар олиб бориламоқда? Бу ишларнинг самарадорлигини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Бундай ёшлар контингенти ўттиз ешгача этиб белгиланган. Жазони ўтаб қайтган инсон жамиятга қайта қўшилиши, ижтимоийлашуш даврини бошидан кечирishi керак. Бизнинг вазифамиз бу борада ёшларга қўмаклашиш. Туман кенгашлари миқёсида жазони ўтаб қайтган ёшлар билан суҳ-

бат олиб борилади ва улар қизиқишига қараб турли лойиҳаларимизга жалб этилади.

— Уюшмаган ёшлар билан қандай ишлар олиб бориламоқда? (Андижон вилояти «Камолот»чилари). Яна бир савол Бухоро вилояти кенгашидан келган: Уюшмаган ёшлар учун ташкил этилган лойиҳаларнинг натижаси ҳақида айтиб ўтинг.

— Бир неча йилдан буён

шига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

— «Оммавий маданият»нинг турли кўринишларига қарши қай тарзда курашасам самарали бўлади? («Қашқадарё вилояти кенгашидан келган савол»).

— Менимча, бу борада тарғибот кўпроқ самарага эга. Айни вақтда вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Балоғат бекати» лойиҳасини тайёрлаялмиз. Бу кўрсатувда ёшларнинг ахлоқи, маданияти билан боғлиқ масалалар, бу интернет кафедалар бўладими, кийиниш ёки сўзлашув маданияти ва бошқа бошқа ҳолатлар жамоатчилик томонидан муҳожама этилади. Ана шундай тарғибот, фикр уйғотиш йўли билан биз ёшлар онгига таъсир кўрсатиб, «оммавий маданият»дан узоқлаштира оламиз, деб ўйлай-

рига қизиқтириш. Интернетга қизиқувчилар бўлса, марҳамат, веб-сайтини яратиб, танловда иштирок этсин. Бу билан ҳам ўзига, ҳам жамиятга, халқига, Ватанига наф келтиради. Миллий интернет танловининг шиори «Соғлом ахборот муҳити сари». Демак, биз ёшларни интернетнинг ноқулай таъсиридан уларнинг-да кучи, ақл-идроки, салоҳиятини ишлатган ҳолда ҳимоя қилялмиз. Сиз айтгандек, ҳар иккала кутб вакиллари — китобхон ёшлар ва интернет фойдаланувчиларини бир-бири билан учраштириш керак, назаримда. Улар учун умумий мавзулар топиб берайлик, шароит яратайлик, ёшлар ўзаро фикр алмашиб, дунёқарашини бойитиб борсин. Етакчиларимиз кенгашлар қошида кутубхоналар ташкил этиш тақлифини илгари суриляпти. Бу жуда яхши ташаббус. Бир нарсадан ташаббус: юртимизда китобга, китобхонликни ривожлантиришга эътибор катта. Қайси вилоятга борманг, кўплаб янги китоб дўконларини учратадими. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини кўринг. Ушбу муҳташам бинога, унда яратилган шароитларга хатто хорижликларнинг ҳаваси келяпти-ку. Интернет кутубхонанинг ўрнини боса оладими, ахир?! Ҳеч қачон!

— Ҳаракатининг Урганч шаҳри кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» фаолиятини қучайтириш бўйича қандай амалий ишлар олиб бориляпти? Марказда спорт тўғрақлари ташкил этилса, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар қамраб олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. (Одилбек Матёкубов, Урганч автомобиль йўллари коллежи ўқувчиси).

— Ҳозир бу марказда спорт тўғрақларини очига ҳўжат йўқ. Чунки марказ Урганч шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи биносига жойлашган. Ёшлар у ерда спортнинг хоҳлаган тури билан шугулланиши мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, мен бир янгиликни ўқувчиларга етказиб қўймоқчиман. Айни пайтда Урганч марказидаги Амир Темури номидаги иштирок ботида «Ёшлар маркази» қуриляпти. У ишга тушиши билан шахар «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ҳам янги бинога кўчади.

— «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси ҳақида охириги пайтда кўп гапириляпти. У Ҳаракатнинг анча йирик лойиҳасига айланди. Ушбу учрашувлар хоразмлик ёшлар ҳаётини қандай ўзгартириши мумкин? Ёки тарбия учун фақат биттаси хизмат қилгани маъқулми?

— Мумкин ва керак ҳам. Биргина мисол: ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати биринчи мартаба Миллий интернет танлови — МИТ.уз лойиҳасини ташкил этди. Мана сизга замонавий ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияла-

бабини сўрасам: «Уч ой аввал шу ёшлар билан учрашганман. Олдимга шундай-шундай вазифаларни қўйган эдилар. Мен қайсиларини бажардим-у, қайсылари амалга ошмай қолди? Бугун ҳисоботини беришим керак», — деди. Мана кўрсатилган вазифалар билан ёшлар олдидеги масъулиятни қанчалик ҳис қилишяпти. Бу ҳам ишчимизнинг самараси. «Ҳоким ва ёшлар» жуда керакли лойиҳа. Учрашувлар ҳар чоракда ўтказилиб, уларга ёшларнинг турли қатламларини тақлиф қилсак, янаям яхши бўлади. Ҳокимлар нафақат вилоят ёки туман марказлари, балки олис ҳудудларга ҳам чиқиб, сайёр учрашувлар ўтказса, дейман. Менимча, бундай лойиҳалар ҳокимият учун ҳам керак.

— Жамиятимиз тараққиётига хизмат қилган қандай бунёдкор гоёларни айта олаемиз? («Камолот» ЁИХ Андижон вилояти кенгаши бўлим мудири М.Матисаев).

— Мустақиллик йилларида юртимизда 9+3 схемаси бўйича умумий таълим тизимини яратиш гоёсини мен энг буюк бунёдкорлик гоёси, деб айтган бўлардим. Чунки шунинг эвлатилган юртимиз ёшлари тўққиз йил мактабда ва уч йил ўзи хоҳлаган касб-хунар коллежи ёки академик лицейда мутлақо бепул, сифатли таълим олиш имконига эга. Бу таълим соҳасидаги энг катта ютуғимиз.

— «Камолот» ЁИХ томонидан ташкил этилаётган лойиҳалар, хусусан, «МИТ.уз», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» каби лойиҳалар орқали Жиззах ёшлари орасида тадбиркорликка ва интернет сайтлари яратишга қизиқиш янада ортди. Бу борада Хоразм ёшлари ҳақида нима дейиш мумкин? Хоразм ёшлари бугун кўпроқ нималарга қизиқаяпти? (Жиззах вилояти ёшлари номидан Дилшод Эргашев).

— Ахборот технологияларига қизиқувчи ёшлар Хоразмда ҳам кўп. Масалан, бундан уч йил аввал Урганч давлат унiversитети талабалари республика миқёсидаги ўқувчиларга етказиб қўймоқчиман. Айни пайтда Урганч марказидаги Амир Темури номидаги иштирок ботида «Ёшлар маркази» қуриляпти. У ишга тушиши билан шахар «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ҳам янги бинога кўчади.

— «Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси ҳақида охириги пайтда кўп гапириляпти. У Ҳаракатнинг анча йирик лойиҳасига айланди. Ушбу учрашувлар хоразмлик ёшлар ҳаётини қандай ўзгартириши мумкин? Ёки тарбия учун фақат биттаси хизмат қилгани маъқулми?

— Мумкин ва керак ҳам. Биргина мисол: ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати биринчи мартаба Миллий интернет танлови — МИТ.уз лойиҳасини ташкил этди. Мана сизга замонавий ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияла-

ловда қатнашаётган ёшлар ўз бизнес лойиҳасини яратиш, кейин эса амалга ошириши секин-аста ўрганиб олади. Кенгашлар қошида «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари шу мақсадда ташкил этилган. Тадбиркорлик фаолиятини бошлагандан кейин ҳам ёшлар шу марказларга мурожаат қилляпти. Бугун бўлмаса, бир-икки йилдан кейин, кредит олган ёшлар тадбиркор сифатида шаклланади. Асосий вазифамиз биринчи қадам ташлашга ёрдам беришимиз керак.

— Хоразмлик ёшларнинг пойтахтга, пойтахтлик ёшларнинг Хоразмга саёхатларини ташкил этиш мақсадида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳри ҳамда Хоразм вилояти кенгашлари ўртасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқса бўладими? Бу хусусан қандай тақлиф бера олаемиз? (Тошкент шаҳар «Камал» болалар ташкилоти раиси Сардор Маҳкамов).

— Аввало, тақлиф учун раҳмат. Аслида тақлиф дастурларимиз йўқ эмас. Лекин ҳозирча талабалар учун. Уйлайманки, Тошкент шаҳар кенгаши билан алоҳида дастур ишлаб чиқиш муаммо туғдирмайди. Биз тайёрмиз.

— Университетимиздаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд вилоятлари саёхатини уюштириб бера олаемизми? (Урганч давлат университети талабаси Лайло Искандарова).

— Бу иш амалга ошяпти. Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган талабалар учун йилда бир мартаба УрДУ маъмурияти ва Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамкорлигида саёхатлар ташкил этилади.

— Юртимизда ўқувчилар, талабалар фан олимпиадалари, турли интеллектуал беллашувлар, ўйинларда қатнашади. Нима учун «Камолот» олимпиадаси ўтказилмайди? (Азизбек Матмуратов, Урганч шаҳри).

— Очиғи, бу ҳақда сизга ўйлашган эканман. Лекин қизиқарли тақлиф. Менга манзур бўлди. ***

Сўхбатимиз якунида Мансур Машарипов ўзига манзур бўлган саволни аниқлади. Бу «Камолот» ЁИХ Чортоқ тумани кенгаши раиси Фарҳод Мадраҳимовнинг ички ишлар органларида профилактик назоратда турувчи вояга етмаганларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этиш тўғрисидаги саволи бўлди. Савол муаллифига меҳмонимиз махсус совға топширди.

Нарғиза УМАРОВА, «Turkiston» муҳбири, Рустам Назарматов олган сурат

Блиц-саволлар:

- Қайси ҳолларда ёлгон гапирасиз?
- Ишни тез ва самарали йўлга қўйиш мақсадида.
- Нимадан кўпроқ афсусланасиз?
- Режамадаги иш амалга ошмай қолса.
- Заиф томонингиз нимада?
- Тез кечиримлиман.
- Устун жиҳатингиз-чи?
- Одамлар билан тез тил топиша оламан.
- Ёқтирган шоир ёки адибларингиздан учтасини айтинг.
- Муҳаммад Юсуф, Ўткир Ҳошимов, Комил Аваз.
- Қайси тарихий шахслар билан замондош бўлишни хоҳлардингиз?
- Жалолиддин Манғуберди билан.
- Қайси эзгу иш ёки ҳислатни кўпроқ қадрлайсиз?
- Дустликни.
- Қайси камчиликни осон кечирасиз?
- Ишдан сурамай кетиш ҳолатини.
- Нимани ҳеч қачон кечира олмайсиз?
- Ишга кеч келишни.
- Севимли композиторингиз ким?
- Султон Али.
- 2014 йилда Хоразм вилояти кенгашидан бошқа ҳудудларга намуна бўла оладиган қандай янгилик кутамиз?
- Бу йил вилоятда «Ёшлар маркази» очилади.
- Бу учрашувда сиз кутган, лекин берилмаётган қанчалар савол борми?
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидаги фаолиятини тугатгандан кейин қандай режаларим борлиги ҳақидаги саволни кутгандим.

БЕГУБОР КЎЗЛАРДА САНЪАТ ҲАВАСИ

Моҳларойим исмли жияним мусиқа мактабида
|| ўқий бошлади.

— Ўзи хоҳладими ёки сизларнинг хоҳишингиз
|| биланми? — сўрадим опам билан поччамдан.
— Э, нимасини айтасан? — деди опам. — Теле-
визорда болаларнинг қўшиқ айтиб рақс
тушишини кўрса, мен ҳам телевизорга
чиқаман, деб қўймай қолди жиянинг. Улар-
га қўшилиб қўшиқ айтадиган бўлди. Бир
кунни пианиночи болани кўрсатиб қолишди.
Мен ҳам шунақасидан чаламан, деб роса
тўполон қилди. Мактабга бериб, унинг
хархашаларидан қутулдик...

Яқинда у «Камалак» юлдузла-
ри» болалар ижодиёти фести-
валида ҳам муваффақиятли иш-
тирок этди. Келажакда композитор
бўлмоқчи. Унга қараб мам-
нун бўламан. Унинг келажаги
учунгина эмас, бугун юртимиз
болаларининг шундай имконият-
ларга эга бўлаётганидан ҳам...

Сурхондарё вилоятида 2003
йилдан 2013 йилга қадар ўн
тўртта мусиқа ва санъат макта-
би қурилиб фойдаланишга
топширилган бўлса, бу йил яна
учта ана шундай маскан барпо
этилиши мўлжалланган.

КИЗИРИКЛИК ИСТЕЪДОДЛАР

2012 йил Қизирик туманида
17-мусиқа ва санъат мактаби-
нинг қуриб фойдаланишга топ-
ширилгани санъатсевар ёшлар
учун катта совға бўлганди.

— Аини пайтда мактабимиз-
да 152 нафар ўғил-қиз форте-
пиано, театр санъати, амалий
санъат, тасвирий санъат, қаш-
қар рубоби йўналишлари
бўйича сабоқ олапти, — дейди
мусиқа ва санъат мактаби
директори Алишер Маматқу-
лов. — Уларнинг пухта билим
эгаллашлари учун барча ша-
роитлар яратилган.

Замонавий ва кўркем ушбу
мактабда ёш, изланувчан педа-
гоглар сабоқ беради.

— Термиз мусиқа ва санъат
коллежини тугатиб, ушбу мак-
табга ишга кирдим, — дейди
фортепиано ўқитувчиси Нурид-
дин Ҳайдаров. — Биринчи
синф ўқувчиларига дарс бера-
ман. Ўқитувчи учун ўқувчилар-
нинг билимга чанқоқлиги, уни
диққат билан тинглашлари
жуда муҳим. Истеъдодли бола-

ларга дарс бериш менга завқ
бағишляпти.

Анъанавий хонандалик
ўқитувчиси Холбой Давронов
мактабнинг энг фаол, ижодкор
ўқитувчиларидан. У «Ижодкор
ўқитувчи — 2013» кўрик-танло-
вининг вилоят босқичида учин-
чи ўринни қўлга киритган.

— Ўқувчиларимдан Ҳожиак-
бар Абдусаломов «Ёш ижрочи
— 2013» кўрик-танловининг ви-
лоят босқичида фахрли ўрин-
ни қўлга киритди, — дейди
Холбой Давронов ўзи ҳам
фахрланиб. — Шогирдларим
туманда ўтказиб келинаётган
турли байрамларда ҳам фаол
иштирок этиб келмоқда.

Мусиқа ва санъат мактаби-
нинг тасвирий санъат синфида
бўлиб, ўқувчиларнинг ижод на-
муналари билан ҳам танишдик.

— Иқтидорли болаларни
тумандаги мактаблардан тан-
лаб оламиз. Шу билан бирга
ота-оналар фарзандларини
мактабимизга умид билан етак-
лаб келишади. Биз учун улар-
нинг ишончини оқлаш ҳамда
фарзандларининг иқтидорини
юзга чиқариш ҳам муҳим, —
дейди рангасвир ўқитувчиси
Назарбек Алиев.

— Кўпроқ тасвирий санъат-
га қизиқаман, — дейди мактаб-
нинг 3-синф ўқувчиси Маҳма-
диёр Тожиқулов. — Машҳур
рассомлардан Рўзи Чориев,
Ортиқали Қозоқов, Акмал Нур
ижодига ҳавас қиламан. Кела-



жақда улардек рассом бўлиш-
ни хоҳлайман.

Суҳбатимизга Маҳмадиёр-
нинг синфдоши Фахриддин
Бозоров ҳам қўшилди. У мусиқа
ва санъат мактабида таълим
олиш учун барча шароитлар
яратилганини таъкидлаб, бун-
дан ҳар бир тенгдоши оқило-
на фойдаланишини айтиб ўтди.

Мазкур мактабнинг фойда-
ланишга топширилганига кўп
бўлмаган бўлса-да, вилоятда-
ги мусиқа ва санъат мактаб-
лари орасида ўз нуфузига эга.

— Ўтган йили ўқувчиларимиз
вилоятда ўтказилган бир қатор
танловларда фахрли ўринлар-
ни қўлга киритишди. Жумла-
дан, Шаҳобиддин Нажмидди-
нов «Ёш ижрочилар — 2013»
кўрик-танловининг вилоят бос-
қичида ганчкорлик йўналиши-

да, Ирода Усанова зардўзлик
йўналишида биринчи ўринни
қўлга киритди. Театр жамоамиз
эса учинчи ўринга сазовор
бўлди. «Сурхон баҳори» кўрик-
танловида «Бинафша» фольк-
танловида жамоамиз ҳам учинчи
ўринни эгаллади. Бу каби ми-
солларни кўплаб келтириш
мумкин, — дейди мактаб ди-
ректору Алишер Маматқулов.

Ёш авлод истеъдодини кам-
мол топтириш мақсадида амал-
га оширилаётган бу каби иш-
лар эртага ўзининг ижобий на-
тижасини кўрсатиши шубҳа-
сиздир. Зеро, юртимиз келаж-
ги, фаровон турмушимиз истеъ-
додли ва билимдон ёшлар
қўлида.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

«O'zbekiston belgisi» ko'krak nishoni sovrindorlari

ЭЛ РИЗҚИ БУТУН БЎЛСИН, ДЕБ...

Бугунги фермер ҳақиқий
ишбилармон, ҳам ер
илмини, ҳам ҳисоб-
китобни пухта ўзлаш-
тирган, қолаверса, ўз
ҳақ-ҳуқуқини яхши
биладиган замонавий
инсон бўлиши керак.



ри фаолиятига замонавий илғор усуллар-
ни жорий қилиш, қишлоқ хўжалигида ко-
операцияни ривожлантириш мақсадида
2009 йилда Японияда малака ошириб
кайтди. Сўнгра юртимиздаги фермер
хўжалиқларига Япония қишлоқ хўжалиги-
да эришилаётган илғор натижаларни тар-
ғиб этиш юзасидан семинар, давра суҳ-
батлари ва учрашувлар ташкил этди.

Унинг ҳаммуаллифлигида «Ўзбеки-
стон Республикасининг аграр қонунчили-
ги», «Қишлоқ хўжалигида кооперация:
хорижий тажрибалар» каби китоб ва
қўлланмалар тайёрланди. Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг аграр ва сув
хўжалиги масалалар кўмитаси ташаб-
буси билан тайёрланган «Ўзбекистон
Республикасининг аграр қонунчилиги»
номли китоб нафақат фермер ва деҳ-
қон хўжалиқлари раҳбарлари, балки те-
гишли вазирлик ва идоралар мутахас-
сислари, аграр соҳа йўналишидаги олий
таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таъ-
лими муассасалари профессор-ўқитув-
чилари, талабалар, тадбиркорлар учун
соҳага оид қонунлар, Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти фармон ва

қарорлари, шунингдек, қатор ҳуқуқий-
меъёрий ҳужжатларнинг яхлит тўплами
сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.
Яқинда нашрдан чиққан «Мулқдор оила»
амалий қўлланмаси эса оилавий тад-
биркорлар учун янгилик бўлди. Унда деҳ-
қон хўжалиқларига асосланган оилавий
тадбиркорликни ривожлантириш учун
зарур тавсиялар берилган.

— Ушбу қўлланма мамлакатимизда
фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиқ-
лари ва шахсий томорқа хўжалиқлари-
ни замон талаблари асосида ривожлан-
тириш, уларга инновацион агротехник
тадбирларни жорий этиш ҳамда тадбир-
корликнинг дастлабки кўникмаларини
шакллантиришда катта ёрдам беради, —
дейди Соатмурод Қулмирзаев. — Шу-
нингдек, ушбу қўлланма ёрдамида сув
тежайдиган технологиялар ва муқобил
энергиядан қандай фойдаланиш йўл-
ларини ҳам билиб олиш мумкин.

Ёш мутахассис фермер хўжалиқлари
етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсу-
лотларини қайта ишлаш орқали қиш-
лоққа саноатни олиб кириш, аҳолининг
турмуш тарзини яхшилаш, янги иш
ўринларини яратиш ва аҳоли дарома-
дини оширишга қаратилган турли ло-
йиҳаларни амалга ошириб келяпти.
Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги
Нодават нотижорат ташкилотларини ва
фуқаролик жамиятининг бошқа институт-
ларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси-
нинг «Фермер хўжалиқлари фаолияти-
га қайта ишлашни ҳамда замонавий
илм-фан ютуқларини жорий этиш» ло-
йиҳасида қатнашиб, ўттиз беш миллион
сўмлик грант қолиби бўлди. Мазкур
грант лойиҳаси доирасида республика-
мизнинг барча ҳудудларида ўттиздан
ортиқ семинарлар ўтказиб, кенг тушу-
нтириш-тарғибот ишларини олиб борди.
Лойиҳа яқунлари натижасида «Мева-
сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари-
ни қайта ишлаш технологияси» номли
китоб тайёрлади. Жойлардаги қайта
ишлаш соҳасида учраётган муаммолар-

ни ўрганиб, тегишли вазирлик ва идо-
раларга тавсиялар берди. Шунингдек у,
Фермерлар кенгашининг Сурхондарё ви-
лояти филиали билан «Сугориладиган
ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши-
лаш, тупроқ дегредациясига ҳамда
шўрланишга қарши кураш чоралари»
номли, Хоразм вилоятида «Аҳолининг
экологик саводхонлигини ошириш,
атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши
кураш» номли, Жиззах вилоятида эса
«Лалми, тоғ ва тоғолди ҳудудларда боғ-
дорчиликни ривожлантириш» лойиҳа-
ларини амалга оширди.

— Мазкур лойиҳаларни ҳамкорлик
асосида амалга оширдик, — дейди
лойиҳа муаллифи Соатмурод Қулмирза-
ев. — Натижада Жиззах вилоятида ўттиз
гектар ташландик ерда писта боғи яра-
тилиб, шамоқ энергияси ва куёш бата-
рейкалари ёрдамида сув насослари
ишга туширилди. Сурхондарё вилояти-
нинг Шеробод ва Қизирик туманларида
юз гектардан ортиқ кучли шўрланган ер
майдонлари замонавий усуллар билан
зарарсизлантирилди. Япониядан замо-
навий техникалар келтирилиб, фермер
хўжалиқларига топширилди.

Соатмуроднинг аграр соҳада олиб
борган бундай ташаббуслари муносиб
рағбатлантирилган: 2011 йилда «Ўзбе-
кистон белгиси» кўкрак нишони билан
тақдирланган. Бевосита унинг ташаббу-
си билан ташкил этилган фермерлар-
нинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-иқтисо-
дий ва касбий малакаларини ошириш-
га қаратилган семинар-тренингларда
етти минг нафардан зиёд фермер ўз
билим ва малакасини оширди.

2011 йилдан Ўзбекистон Либерал-
демократик партиясида хизмат қилиб
келаётган Соатмурод Қулмирзаев партия
қошида «Демократик бозор ислоҳотла-
ри ва иқтисодийни либераллаштириш»
ахборот-тахлил маркази ҳамда «Фер-
мерлар ва тадбиркорлар» мулоқот клу-
бини ташкил этди.

Эзгу мақсадлари сари шахдам одим-
лаётган Соатмурод Қулмирзаев каби юрт
фарзандлари тараққиёт, халқ фаровон-
лигига ўзларининг бундан-да катта ҳис-
саларини қўшишлариغا ишонамиз.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Ma'rifat

АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БИР ҚИСМИ

Баъзи ҳужжатлар фақат муайян муддат эмас, балки инсонга бутун умр мобайнида, исталган вақтда керак бўлиб қолиши мумкин. Ҳар биримиз ҳаётиимизда бундай вазиятга дуч келганмиз. Шошиб турган, керакли ҳужжатни қидириб қолган ҳолатларда жойлардаги архив идоралари ёрдамга келади. Тўғрироғи, кўмак истаб, ўша даргоҳга ўзимиз борамиз.

— Опажон, менга ўн йил олдин ишлаган ташкилотимда қанча маош олганим ҳақидаги маълумот керак бўлиб қолди...

— Қизим, мен умумий меҳнат стажимни аниқлашим керак...

Бугунги кунда Қарши шаҳар идоралараро шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архивида 370 та жамғарма мавжуд бўлиб, 1926 йилдан 2012 йилгача

бўлган эллик мингга яқин шахсий таркиб ҳужжатлар, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ҳисоблаш китоблари, буйруқлар, фуқароларнинг шахсий varaқлари, олий таълим муассасалари, коллежларни битирганларнинг диплом рўйхатлари сақланмоқда. Архивдаги иш фаолияти-мизни Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги қонуни

талаблари, меъёрий ҳужжатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарори асосида олиб борамиз.

Афсуски, бизни ўйлан-тирадиган ҳолатлар ҳам учрайди. Айрим юртдошларимиз, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари архив хизмати қанчалик муҳим эканлигини, ундан ҳар биримиз ўз вақтида фойдаланишимиз кераклигини билишмайди. Баъзи ташкилот ва корхоналарнинг ҳужжатларини архивга сақлаш учун қабул қилиб олаётганимизда уларнинг жуда яроқсиз аҳволда эканлигини кўриб ачинамиз. Ахир, ҳар бир ҳужжат — бу тарих-ку! Ҳар қандай инсон ҳақидаги маълумотни, унинг яқинлари, илмий ва ижодий асарларини фақат архив ҳужжатлари орқалигина

аниқлаш мумкин.

Бизга кўпроқ нафақага чиқаётган фуқаролар мурожаат қилади. Чунки уларнинг меҳнат стажини аниқлаш ва тиклашда архив хизматининг ўрни катта. Ташкилотлар вақтида ҳужжатларни тўлиқ топширмаганлиги сабабли, бизга мурожаат этаётган фуқароларнинг ишлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатни гоҳида тасдиқлаш имкони бўлмай қолади.

Шундай экан, ҳар биримиз архив ҳужжатлари ҳаётиимизнинг бир қисми эканини теранроқ англамоғимиз лозим.

**Шарбат МИРЗАЕВА,
Қарши шаҳар
идоралараро шахсий
таркиб бўйича
ҳужжатлар архиви
директори,
Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири.**

■ Ниҳоятимиз ва бurchimiz ■

СОЛИҚЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАДИНГИЗМИ?

Давлат солиқ хизмати органларидан хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисида хулоса олишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 январдаги 17-сонли қарори билан Давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисида хулоса бериш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди.

Давлат солиқ хизмати органларида солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги хулоса хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга намунавий шаклдаги маълумотнома тарзида берилади. Агар хўжалик юритувчи субъектларда ушбу маълумотнома бўлмаса, давлат солиқ хизмати органларига хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий банк (ҳисоб-китоб) ҳисоб рақамини ёпиш

ҳуқуқини беради. Хўш, ушбу маълумотномалар қай тартибда олинади?

Аввало, хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисида ҳамда солиққа оид ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш керак. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъект ихтиёрий тугатилганда маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғри-

сида»ги қарорига мувофиқ берилади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар асосий банк ҳисоб-рақамини ёпиш мақсадида рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига маълумотнома бериш тўғрисида белгиланган шаклда ариза беради. Маълумотнома олиш учун ариза шакли Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида (www.soliq.uz) жойлаштирилган. Зарурат бўлганда, хулосани тақдим этиш учун таққослама далолатномасини тузиш талаб этилиши мумкин. Таққослама далолатномаси тузиш учун хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органига солиқларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этади. Низомда белгиланганидек, хўжалик юритувчи субъектдан юқорида қайд этилган ариза ва таққослама далолатномасидан ташқари бошқа маълумотларни талаб этишга йўл қўйилмайди. Маълумотнома олиш учун тақдим этилаётган аризани почта воситасида ёки электрон шаклда ҳам тақдим этиш мумкин. Электрон шаклда тақдим этилган аризалар хўжалик юритувчи субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Бекзод ОТАМУРОДОВ

■ Ist'e'dod g'unchalari ■

БЕГУБОР БОЛАЛИК ЁЛҚИНЛАРИ

14 ёшли боланинг бегубор нигоҳи билан қозоғза кўчган суратларни томоша қилар экансиз, сизга аллақачонлар ёд бўлиб кетган мультфильмлар, севимли эртакларингиз қаҳрамонлари бир-бир кўз олдингиздан ўтади. Рангли қалам ва оқ қозоғза дўст тутинган, дунёни ўзича англашга ва тасвирлашга интилаётган бу болакай жуда катта ишни уdda-ламаган бўлса-да, барибир сиз бундан қувонасиз. Ахир, унинг қалби санъатга ошно.

Фарғона вилояти Қўштепа туманида туғилган Асадбек Қаҳҳоров беш ёшидан расм чизишга қизиқади. Бегубор нигоҳли қишлоқ боласининг мустақил чизган илк сурати ҳам «Менинг қишлоғим» деб номланади. У ҳозир тумандаги 19-мактабнинг 7-

синф ўқувчиси. Унинг Ватан, оила, дўстлар, табиат манзаралари каби қатор мавзулар, айниқса, эртак ва мультфильм қаҳрамонлари акс эттирилган ижодий ишларидан иборат кўргазмалари туманда ўтказилган кўплаб байрам ва маънавий-маърифий тадбирларда, ёшлар фестивалларида намойиш этилган. Асадбек «Камалак» болалар ташкилоти туман бўлими ўтказган кўрик-танлов ва лойиҳалардаги намунали иштироки учун фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Еш бўлишига қарамай, ҳаракат, интилиш, ўз устида ишлаш орқали муваффақиятларга эришиш мумкинлигини яхши англаган ёш расм-сом ўқиш ва жамоат ишларида ҳам фаол.

— Мен китоб мутолаа қилиш, хорижий тилларни ўрганишга қизиқаман. Яқинда инглиз тили бўйича ўтказилган «Билимлар беллашуви»нинг туман босқичида голиблар қаторидан ўрин олдим. Инглиз тилини ўрганаётганим халқаро кўргазмаларда менга асқотади, — дейди дадиллик билан Асадбек. — Келажакда тасвирий санъат сирларини мукамал ўрганиш ва буюк расм бўлишни орзу қиламан. Орзуларингизга етинг, Асадбек!

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА



Мақтабда шахмат дарси

Мексика мактабларида бошланғич синфдан шахмат ўргатилади. Бу борада махсус дастур қабул қилинди.

Мамлакатдаги 200 минг мактабда янги «Chess in schools» дастури март ойидан кучга кирди. Бу лойиҳа FIDE ташаббуси билан беш йил олдин ишлаб чиқилган. Олтмиш мамлакатда «Мақтабларда шахмат» дастурини жорий этиш учун икки ярим миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Шу вақтга қадар мазкур дастурга мувофиқ бир қанча давлатлардаги санокли мактабларда шахмат ўргатилар эди. Мексика бу ўйинни барча мактабларга мажбурий жорий этган биринчи давлат бўлди. FIDE президенти Кирсан Илюмжинов таниқли гросстмейстерларнинг Мексика мактабларида семинар ўтказишига ваъда берди ва бу лойиҳа шахматнинг қишки олимпия ўйинларига киришига муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

29 минг километрни велосипедда

Италиялик Паола Жианотти тўрт қитъани велосипедда забт этишини маълум қилди.

Бу аёл ўртача 29 минг километр масофани 145 кун ичида босиб ўтишни мақсад қилган. Бунинг учун у кунига 215 километрдан йўл босиши керак. Саёҳат Турин провинциясидан бошланади. 32 ёшли спортчи ўзи ташкил қилган спорт мактаби ёпилганидан сўнг, саёҳатга чиқишни кўнглига тугиб қўйган экан.

Асабингизни асранг

Швед олимлари қаттиқ ҳаяжон, турли руҳий зарбалар жисмоний оғриқларга сабаб бўлишини аниқлашди.

Кун давомида кўп асабийлашадиган кишиларда бош, мушак ва бўғимларда оғриқ нисбатан кўп кузатилади. Тадқиқотда бир ярим минг кўнгили иштирок этди. Унда маълум бўлишича, кундалик турмушдаги сиқилишлар ошқозон фаолияти бузилишига ҳам сабаб бўлган. 40-60 ёшдаги инсонлар стрессга мойил эканлиги ҳам исботланган. Кун тартибига қатъий риоя қилиш, тўғри овқатланиш ва олдига аниқ мақсадлар қўйиб яшаш стресснинг олдини олишда самарали усулдир, дейишади мутахассислар.

Телевизорингиз интернетга уланади

Жанубий Кореянинг «LG» компанияси телевизорлар билан смартфонларни бирлаштирди.

Натижада «LG Smart tv» — эндиликда нафақат телевизор вазифасини бажаради, балки унинг ёрдамида интернетга уланиш, ўйинлар ўйнаш, махсус браузерлар ёрдамида интернет сайтларини кузатиш, дастурларда ишлаш имконини беради. «Wi-fi», «Bluetooth» тизимларининг телевизорда борлиги флешкада маълумот ташиш каби ортиқча иш талаб этмайди. Уни одатдаги пультадан ташқари, овоз билан бошқариш ҳам мумкин. Бир сўз билан айтганда, корейлик мутахассислар телевизор эмас, кўнгилочар марказ яратди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади**



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



Футбол ўйнашнинг, футбол ҳақида ўйлашнинг қотираман, деган, юрагида ўти бор мухлислар учун зўр имконият!

«ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФУТБОЛ»

ТАНЛОВ-ВИКТОРИНАСИ

Викторинада иштирок этиш жуда осон! Сиз газетамизда эълон қилинадиган Ўзбекистон ва жаҳон футболга оид саволларга ўз вақтида тўғри жавобларни йўллаб борсангиз, кифоя. Танлов шу йилнинг **30 июнигача** давом этади. Унда энг кўп очко тўплаган уч нафар мухлис Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финали олдидан тақдирланади. Танловда **30 ёшгача** бўлган мухлис ва мухлисалар қатнашишлари мумкин.

10-савол:
Жаҳон чемпионати-да энг кўп қатнашган футболчи ким?

Жавобингизни intellekt_sport@mail.ru электрон манзилига савол эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ва телефон рақамингиз билан бирга жўнатишингиз лозим.

	Вирус, бактерия								Пилла кўрғи маҳсули
	Духоба		Рани ... (хинд актрисаси)		Суяқ шоколад		Италия пойтахти		Йирик адабий жанр
	Аниқ нишонга олувчи, снайпер		Сино, оддий		Бичим, фасон		... тарош		
							Ака «аулавчи»		
	Хомуза (Бухоро)		Ёқубов (адиб)					Суяклик ўлчов бирлиги	
				Париваш, офатижон		Зебра ранги			
Чолоп, қаттиқли инчмак	Ҳеч қачон, зинҳор	Ахл, тоту							
				Тухуми топилмас қуш		Ёноч кесил асбоби	Эшик қирраси		Майдон ўлчов бирлиги
	Самолёт «шофёр»и			Мабодо, баярати, бордино					
	Мулоффик, худбин		Куйлак қисми					... Дюл (актриса)	
					Нима учун?				
	Ака-уқанинг хотинлари		Жабру жафр, азоб		Электр ток кучи ўлчов бирлиги		Таъкид юқламаси		... Анжлес (шаҳар)
Жак ... Кусто (сайёх)				Ном, от		Навбат (синоним)			
		Аму, Жайхун				Нома		Олчага ўхшаш мена	
Гудак озуқаси				Уйбоп тўшма					
Кут-барака, ривож		Эритувчи кислота хил							Қасам, наъда
				Бозор қатори					

YON DAFTARCHANGIZGA

Инсон ҳаётда ўз олдига икки мақсадни қўйиши керак. Биринчиси, сиз нимани орзу қилган бўлсангиз, ўшанга интилинг. Иккинчиси, эришган ютуқларингиздан қувонишни ўрганинг. Донишманд инсонларгина иккинчи мақсадга эришишга қодирдилар.

Логан Пирсал Смит

Gazetxon xabar qiladi
Пахтачи қишлоқ хўжалиги коллежида «Соғлом бола — келажак пойдевори» мавзусида бадший кеча ўтказилди.

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ЁШЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Пахтачи тумани кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, туман тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда соғлом турмуш тарзи ва эрта турмушнинг салбий оқибатлари ҳақида маърузалар тингланди. Шунингдек, ўқувчи-ёшларга кийиниш ва муомала маданияти, катталарга ҳурматда бўлиш ҳамда аждодларимиздан мерос қолган одоб қоидалари ҳақида гапирилиб, уларга ҳамиша амал қилишлари лозимлиги таъкидланди.

Тадбир давомида коллежнинг ахборот ресурс маркази ходимлари ҳамда ўқувчилар иштирокида намоён этилган саҳна чиқишлари, улар ижросидаги шеър ва кўшиқлар барчага завқ бағишлади.

Кумушбиби САЙДУЛЛАЕВА,
Самарқанд вилояти

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН

Чеҳранда балқиган Қуёшинг сени,
Нетонгки, бахтингни кўрсатар аён.
Сендадир бутун ўй-хаёлим мени,
Ҳавасим келади сенга, болажон!

Сен каби чоғларим ўйлаб сарсари,
Хаёлда ўтмишим бўлса намоён.
Бечора дамларим ёдлаган сари
Ҳавасим келади сенга, болажон!

Ер-кўкка сизмаган чоғларим онам
Дердилар: «Ер қаттиқ, йироқдир осмон».
Ушбу кун сен учун муяссар олам,
Ҳавасим келади сенга, болажон!

Дунёга разм сол, атрофга қара,
Қайда бор сендаги шароит, имкон?
Оламни бўйласам яна юз карра,
Ҳавасим келади сенга, болажон!

Гиргиттон бўлайин, ўргилсин аканг,
Ҳамиша шу эл, юрт ишқи билан ён.
Бугундан фаровон, чароғон эртанг,
Ҳавасим келади сенга, болажон!

Зиёвиддин МАНСУР

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Биз учтамыз: сен — бемор, мен — табиб ва касаллик. Агар сен касаллик томонга ўтсанг, иккалангни енгилшим қийин бўлади. Агар мен томонда бўлсанг, иккаламиз касалликни осон енгамиз».

Ушбу ҳикмат қайси улуғ алломага тегишли эканини айтинг.

Жавобингизни **7 март** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнги-роқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: 24 соат.

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Ашурова йўллади.